**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

_______________А.Умаров

202___ йил “_ __”_ __________

**“КЕЛИШИЛДИ”**
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
______________________
202__ _ йил “_____”__________

Рўйхатга олинди: № БД--5111100 – 2.09
202__ йил “___”____

# МУСИҚА ЎҚИТУВЧИСИНИНГ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИ ВА КРЕАТИВЛИГИ.

## ФАН ДАСТУРИ

**Билим соҳаси:** 100000 – Гуманитар
**Таълим соҳаси:** 110000 – Педагогика
**Таълим йўналиши:** 5111100 – Мусиқа таълими

лойиҳа

<table>
<tr><td>Фан/модуль коди<br>MusKKM1004</td><td>Ўқув йили<br>2020-2021</td><td colspan="2">Семестр<br>5</td><td colspan="2">ECTS - Кредитлар<br>4</td></tr>
<tr><td>Фан/модуль тури<br>Мажбурий</td><td colspan="3">Таълим тили<br>Ўзбек</td><td colspan="2">Ҳафтадаги дарс соатлари<br>4</td></tr>
<tr><td rowspan="2">1.</td><td colspan="2">Фаннинг номи</td><td>Аудитория машғулотлари (соат)</td><td>Мустақил таълим (соат)</td><td>Жами юклама (соат)</td></tr>
<tr><td colspan="2">Мусиқа ўқутувчисининг касбий компетентлиги ва креативлиги</td><td>60</td><td>60</td><td>120</td></tr>
</table>

**2.**

**I. Фаннинг мазмуни**

Фанни ўқитишдан мақсад – фанни назарий ва амалий фаолиятни ўзлаштириш жарёнида, замонавий педагогик технологиялар асосида тасвирлаб бериш, мусиқий таълим тарбия беришда касбий компетенциявий ёндашуви ва иш фаолиятига креатив ёндашишга қўйилган талабларга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш. (Эстетик маданият ва ижодкорлик компетенцияси, ўзини ўзи ривожлантириш ва асраш, амалий фаолиятни ривожлантириш компетенциялари).

Фаннинг вазифаси – мусиқа ўқитишнинг инновацион технологиялари таълимининг мазмуни, ўқитувчи ва талабалар ижодига педагогик таъсир этиш, мусиқа таълимида ривожланувчи ижодий ўйинли ва интерактив технологиялар, инновацион технология ва ахборот технологиялари ҳақида асосий маълумотлар бериш. Мусиқа таълими ва тарбияси соҳасидаги илғор тажрибаларни умумлаштириш. Дарсдан ташқари олиб бориладиган тадбирларни мустақил тайёрлашни ўрганишга тайёрлаш.

**II. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

**II.I. Фан таркибига қуйидаги мавзулар киради:**

**1-мавзу. Мусиқа маданияти ўқитувчисининг мусиқий педагогик маҳорати**

Мусиқа маданияти ўқитувчисининг мусиқий педагогик маҳорати таркиби ўз ичига бадиий мусиқа ва ижодий қобилиятни олади: Мусиқа маданияти ўқитувчиси педагогик ижодкорлиги, ўқув тарбиявий вазифаларни ечишга қобилиятли бўлиши,педагогик технология хақида тушунчага эга бўлиш.

**2-мавзу. Мусиқа маданияти дарсларини ўтказишга тайёргарлик**

Лойиҳа

**кўриш муаммолари ва дарсда мулоқатни ташкил этиш**

Мусиқа маданияти ўқитувчиси-режисёр, актёр, мусиқий бадиий педагогика метод ва принциплари, ўқувчиларни мусиқий таълимни ўрганишида янги педагогик технологияларнинг асосий жараёнлари, мулоқат жараёнини ташкил этиш, мусиқий мулоқатлар-мусиқа ўқитувчи ўқувчи. Мусиқий мулоқатларни ташкил этишнинг ҳар ҳил шакллар:

Педагогик технологияларнинг асосий жараёнлари, Инаватсион технологиялар ёрдамида мусиқий таълим самарадорлигини ошириш ва дарс ишланмалари.

**3-мавзу. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари**

Мусиқа ўқитиш технологиялари ва лойихалаш фаннинг асосий мазмунини талабалар маърузалар курсида ўзлаштиради. Мусиқий таълим жараёнида замонавий интерфаол услублар билан талабалар билимини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, илмий қидирув ва назарий сифатлари шакллантирилади. Натижага эришиш учун мавсуга интерфаол услубларни танлаш.

**4-мавзу. Мусиқани қабул этиш ва ташкил этиш йўллрии**

Мусиқа ўқитувчиси – Педагог – маданиятли тингловчи, мусиқа санъатини қадирловчи ва танқид қилувчи. Мусиқа қабул қилишни ташкил этиш муаммолари ва мусиқий асарларни бадиий таҳлил этиш.

Педагогик таҳлил этиш (Тингловчида мусиқий товушларни тасаввур этиш, мусиқий асарларни жанрларини таҳлил этиш) Мусиқий санъатни бутунлигича қабул этишга ривожлантириш. Мусиқий санъатни мазмунида шахсни ахлоқий эстетик шакллантириш. Ўқувчиларда тинглаш маданиятини шакллантириш.

Ўқувчиларни мусиқа маданиятида мусиқа санъатини қабул қилишни ривожлантириш жараёнида янгича ёндашув, педагогик технологиялар қўллаш.

**5-мавзу. Мусиқада ижодий жараённи ташкил этиш муаммолари**

«Педагог - мусиқачи, ижрочи, ижодкор». Ўқитувчи ва ўқувчининг ижоди педагогик таъсирини йўналтириш натижасидир. Ўқувчиларнинг мусиқий қобилиятини ривожлантиришда тайёргарликсиз шеър, куй, мусиқали оҳанг ижод этиш.Ўқувчиларни мустақил тайёрлашда малака кўникмаларни шакллантириш.

**6-мавзу. Ўқувчилар шахсиятида мусиқий-психолигик хусусиятлар ва балоғат ёшини эътиборга олиш муаммолари**

Мусиқа ўқитувчиси “педагог – психолог”: шахс билан жамият ўртасидаги ўзаро алоқалар, шахсни камол топтиришда тарбия ва ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги, Мусиқий қобилиятларни ривожлантириш муаммолари. Мусиқий қобилиятларни диагностикаси. Мусиқий қобилияти ривожланмаган ўқувчилар билан иш услуби ва муаммолари.

**7-8 мавзу. Умумий ўрта таълим мактабларида дарсдан ташқари мусиқий машғулотларни ташкил этиш**

Мактабда дарсдан ташқари иш фаолиятини шакллантириш. Дарсдан ташқари ишнинг педагогик асослари, мактаб ва мактабдан ташқари таълим, дарсдан ташқари ишлар тизими ва амалиёти.

**9-мавзу. Касбий компетенциянинг таркибий элементлари.**

Компетенцияларнинг таркибий элементлари Асосий компетенциялар Эстетик маданият ва ижодкорлик компетенцияси. Ўзини-ўзи ривож-лантириш ва асраш компетенцияси. Амалий фаолиятни ривожлантириш компетенцияси.

**10-мавзу Мусиқа ўқитувчисини асосий компетенциялари. Мусиқий фаолиятларни олиб боришда креатив ёндашув**

Педагогларнинг асосий компетенциялари..Мусиқа маданияти фани бўйича 1-4 синф ўқувчиларга қўйиладиган талаблар. Мусиқа маданияти фани бўйича 5-7 синф ўқувчиларга қўйиладиган талаблар. Ўқитиш жараёнида асосий компетенцияларни режалаштириш ва ривожлан-тириш. Мусиқий фаолиятларни олиб боришда креатив ёндашув

**III. Амалий машғулотлари буйича кўрсатма ва тавсиялар**

***((Лаборатория ишлари), (Семинар машғулотлари), (Курс иши), (Мустақил таълим)*** *ўқув режада кўрсатилган тури (номи) бўйича ёзилади)*

Амалий машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Мусиқа маданияти ўқитувчисининг мусиқий педагогик маҳорати
2. Мусиқа маданияти дарсларини ўтказишга тайёргарлик кўриш. Дарсда мулоқатни ташкил этиш
3. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари.
4. Мусиқани қабул этиш ва ташкил этиш йўллрии
5. Мусиқада ижодий жараённи ташкил этиш муаммолари.

6. Ўқувчилар шахсиятида мусиқий-психолигик хусусиятлар ва балоғат

ёшини эътиборга олиш муаммолари.
7. Умумий ўрта таълим мактабларида дарсдан ташқари мусиқий машғулотларни ташкил этиш.
8. Дарсдан ташқари ишнинг педагогик асослари, мактаб ва мактабдан ташқари таълим, дарсдан ташқари ишлар тизими ва амалиёти
9. Касбий компетенциянинг таркибий элементлари.
10. Мусиқа ўқитувчисини асосий компетенциялари.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурулмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир профессор-ўқитувчи томонидан ўтказилиши зарур. Машғулотлар фаол ва интерфактив усуллар ёрдамида ўтилиши, мос равишда муносиб педагогик ва ахборот технологиялар қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

**IV. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1.Педагогик технологиялар, таърифи**,** кўринишлари, асосий йўналишлари мавзуларини ўзлаштириш.
2. Мусиқа маданияти дарсларининг 1,2 синфлари учун ўқув қўлланмада берилган календар режани қайта ишлаш
3.1-синф 1-чорак дарси учун 1 соатлик дарс ишланмасини инноватsion технология услуби асосида тузиш.
4 Мусиқа маданияти, 1-синф 4-5-дарс Шоир, композитор, хонанда ва созанда. мавзуси бўйича дарс ишланмасини ва слайд тайёрлаш.
5. Педагогик технология чизмасига амал қилган ҳолда мусиқа маданияти дарсларини 2- синф 1-чорак мавзуси бўйича дарс ишланмасини тузиш.
6.”Мусиқа саводига саёхат” мавзуси бўйича дарс ишланма ва слайд тайёрлаш.
7. “Болалар бастакорлари” мавзуларини ўзлаштириш**.**
8. Инноватsion технологияларини ўзлаштириш ва шу технология асосида 1-4 синф мавзуси бўйича дарс ишланмаси тузиш ва тарқатма материаллар тайёрлаш.
9 3- синф. III боб Ансамбл турлари.
10. 4-синф II боб Халқ қўшиқлари ва рақслари.
11. 5- синф I боб Оркестрлар.
12. 5- синф II боб Хор санъати. Мусиқада вокал-симфоник жанрлар.
13. 5-синф III боб Саҳнавий мусиқа асарлари – балет ва рақс санъати, мусиқали драма ва комедия, болалар учун мусиқали эртак томошалар.

| | |
|---|---|
| | 14 5-синф IV боб. Опера санъати. Ўзбек мусиқасида опера жанри”<br>15 6-синф I боб Мумтоз мусиқа хақида тушунча.<br>16 6-синф. II боб.Хоразм воҳасининг мумтоз мусиқаси.Хоразм.<br>17.6- синф III боб. Шарқ халқлари мумтоз мусиқаси<br>18. 6-синф IV боб Европа мумтоз мусиқаси хақида тушунча<br>19. 7-синф. I боб. Мусиқа турлари.Ўзбек замонавий мусиқаси.<br>20. 7-синф II боб Эстрада мусиқаси.<br>21. 7-синф III боб Телевидение ва кино мусиқа.<br>22. 7-синф IV боб Мусиқа маданияти хақида умумий тушунча.<br>23. Инноватsion технологияларни қўллаб 5-7-синф мавзулари бўйича дарс ишланмасини тузиш ва тарқатма материаллар тайёрлаш.<br><br>Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томони дан дарс ишланмалар тузиш, амалда слайдлар билан намойиш этиш тавсия этилади. |
| **3.** | **V Фан ўқитилишининг натижалари (шаклланадиган компетенциялар)**<br>Фанни ўзлаштириш натижасида талаба:<br>• фанни назарий ва амалий фаолиятни ўзлаштириш жарёнида, замонавий педагогик технологиялар асосида тасвирлаб бериш,мусиқий таълим тарбия беришда касбий компетенциявий ёндашуви ва иш фаолиятига креатив ёндашишга қўйилган талабларга оид билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.(Эстетик маданият ва ижодкорлик компетенцияси, ўзини - ўзи ривожлантириш ва асраш, амалий фаолиятни ривожлантириш компетенциялари); мусиқий таълимдаги замонавий технология ва методларни; мусиқий таълим ва тарбияни ривожланишида замонавий, илмий, методик ишланмаларни тайёрлашни; тараққий этган мамлакатлар таълим тизимини;шахс маданияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш; мусиқий таълим бўйича ўқув тарбиявий ишларни режалаштиришни; замонавий мусиқий педагогик принциплар бўйича мусиқа маданияти дарсларини режалаштиришни ва олиб боришни; амалиётда мусиқа педагогик технология методларини қўллаш усуллари ҳақида ***тасаввур ва билимга эга бўлиши***;<br>• мусиқа маданияти дарс мазмунининг дарсдандан ташқари машғу-лотларда амалий мақсад ва вазифаларини сингдириб бориш; мусиқа соҳасидаги янги техникалар, дастурлар билан таништириш, ижодий нафосатни, асосий замонавий асарларини ўрганиш; асарлардан |

Лойиҳа

| | |
|---|---|
| | айрим парчаларни ижро эта олиш ва асарни тинглаб таҳлил эта олиш; касбий фаолият билан боғлиқ бўлган тегишли ахборотларни мустақил танлаш ва амалиётга жорий этиш мусиқа дарсларининг барча шаклларини амалда қўллашда инноватsion технологиялардан фойдаланиш; педагогик иш фаолиятида умумий тажрибага, касбий махсус билим малака, ***кўникмаларга эга бўлиши***;<br>• ҳар бир синфда ўқувчиларнинг ёшига мос равишда мусиқа ўқитиш замонавий методларини ва усулларини танлаш; ўқувчиларнинг билими ва ижрочилик, ижодкорлик малакаларини баҳо-лаш; мусиқа дарсларида тарбиявий ишларни олиб бориш; дидактика ва мусиқа ўқитишнинг ўзига хос ҳусусиятлари; умумий ўрта таълим мусиқа таълими мазмуни (бошланқич ва ўрта таълим); мусиқа ўқитиш принциплари; мусиқа ўқитиш методлари ва принцип-лари; мусиқа дарслари типлари; мусиқий асарларни ўқиш ва ижро этиш методлари; мусиқа ўқитишнинг замонавий технологиялари; мусиқа ўқитувчиси шахсига қўйиладиган талаблар; жамоа бўлиб куйлаш ва мусиқа асбобларида чалишни ўргатиш метод-лари; замонавий дастурлар ва мусиқа ёзиш техникалардан, электрон мусиқа асбобларидан фойдаланиш.Мусиқий ритмик фаолият; ўқувчиларда ижро-чилик ва ижодкорлик малакаларини ривожлантириш; мусиқий тарбия асосларини билиши, малака ҳосил қилиши ва амалда қўллаш ***малакасига эга бўлиши керак***. |
| **4.** | **VI. Таълим технологиялари ва методлари:**<br>• маърузалар;<br>• интерфаол кейс-стадилар;<br>• гуруҳларда ишлаш;<br>• тақдимотларни қилиш;<br>• индивидуал лойиҳалар;<br>• жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар. |
| **5.** | **VII. Кредитларни олиш учун талаблар:**<br>Фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштириш, таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш, ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш ва жорий, оралиқ назорат шаклларида берилган вазифа ва топшириқларни бажариш, якуний назорат бўйича ёзма ишни топшириш. |
| **6.** | **Асосий адабиётлар**<br>1. Д.А.Каримова. Мусиқий педагогик маҳорат асослари. Ўқув қўл- |



Лойиҳа

ланма. Т. Иқтисод молия. 2008.

2. Р.Ж.Ишмухаммедов. Инновацион техналогиялар. Истеъдод, 2008.

**Қўшимча адабиётлар**

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи. // Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 16 январь, №11

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олий жаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент "Ўзбекистон" – 2017й.

5. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаравон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. "Ўзбекистон" НМИУ, 2016й.

6. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигининг гарови. "Ўзбекистон" НМИУ, 2016 й.

7."Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. 1-илова: "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси". Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 8 февраль сони ва Интернет ресурс: www.лех.уз.

8.Cathrine Sadolin. Complete vocal technique. 2012. www.Completevocalinstitute.com 296 b.

9. American popular music. Larri Star & Christopher Waterman. Oxford Universite Press. Inc. 2007.

10. Бегматов С., Каримова Д. 6 синф «Мусиқа» дарслик. Т., 2018.

11. Иброҳимов, О. 4, 7 синф «Мусиқа» дарсликлари Т.,2014,2016

12. Мансуров А., Каримова Д.А. 5 синф «Мусиқа» дарслик. Т., 2020.

13. Мусиқа маданияти. Мактаб дастури. Т., 2020.

14. Нурматов Ҳ.ва бошқалар. 1-3 синф «Мусиқа» дарсликлари. Т.,2014

15. Раҳимов Ҳ «Ўзбекистон Ватаним маним» 2 китоб. Т.,1998.

16. FUNDAMENTALS OF VOCAL PEDAGOGY AND APPLICATIONS FOR CONDUCTORS NOT TRAINED IN SINGING. Patrick Michael Walders, Doctor of Musical. Arts, 2005. Directed By: Dr. Edward Maclary, College of Arts and Humanitiesyu

Тоғаўа

| | |
|---|---|
| | **Ахборот манбалари**<br>17. www.tdpu.uz<br>18. www.pedagog.uz<br>19. www.ziyonet.uz<br>21. www.edu.uz<br>22. tdpu-intranet.Ped |
| **7.** | Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг<br>202__ йил “___”_________ даги ____ -сонли баённомаси билан маъқулланган.<br>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг<br>202__ йил “___” _____даги ______ - сонли буйруғи билан маъқулланган фан дастурларини таянч олий таълим муассасаси томонидан тасдиқлашга розилик берилган. |
| **8.** | **Фан/модуль учун масъуллар:**<br>Д.А.Каримова – Низомий номидаги ТДПУ, “Мусиқа таълими” кафедраси доценти<br>Н.И.Режаметова- Низомий номидаги ТДПУ, “Мусиқа таълими” кафедраси мудири п.ф.ф.д. (PhD) |
| **9.** | **Тақризчилар:**<br>С.Д.Дўстов – БухДУ доценти, педагогика фанлари номзоди.<br>С.Б.Саидий – НавДПИ “Мусиқа таълими” кафедраси профессори, санъатшунослик фанлари номзоди, академик. |

Лойиҳа